ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ-
OLIY BAXT
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
14 июль, сешанба 1998 йил №82 (584)
Сешанба , пайшанба
ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

2
ФИДОЙИЛАР
3
ҚОНУН ҲАҚ ЙЎЛНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ
4
СПОРТ, ВАТАН, СИЁСАТ

МЕҲР ОФАТДАН УСТУН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 июль куни Фарғона вилоятининг табиий офатдан зарар кўрган Шоҳимардон қишлоғида бўлди.

Маълумки, яқинда бу ерда юз берган сув тошқини натижасида қишлоқдаги айрим туражой, маданий-маиший, савдо ва умумий овқатланиш биноларига зарар етказилган, йўл ва кўприклар бузилган, алоқа тармоқлари ишдан чиққан эди.

Мамлакатимиз раҳбари табиий офат оқибатида зарар кўрган ҳудудларни кўздан кечириб, ҳукумат комиссияси бажараётган ишлар билан танишди. Президентимиз ҳукумат комиссияси аъзоларига ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларига тошқин келтирган талофатни тезда бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Ҳалок бўлган 91 одамнинг рўйхатини тузиб чиқиш, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишда расмиятчиликка йўл қўймаслик, марҳумларнинг маросимларини ўтказишга кўмаклашиш, сув йўлларини бир меъёрга солиш, дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш лозимлигини юртбошимиз алоҳида таъкидлади. Оқсув дамбаси қурилишини пишиқ-пухта, ҳар томонлама мукаммал қилиб ниҳоясига етказиш,шошма-шошарликка йўл қўймаслик керак, деди Президент.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Шоҳимардонда бугунги кунда амалга оширилаётган иш кўлами билан танишди. Жумладан, автомобиль йўллари, электр таъминоти, радио ва телефон алоқасини мунтазам йўлга қўйиш, бу ишларга қўшни вилоятлардаги мутахассисларни жалб этиш, қурилиш ишларини жадаллаштириш,аҳолига зарур тиббий хизмат кўрсатиш, эпидемиологик ҳолатни пухта ўрганиш, одамларни керакли дори-дармонлар билан таъминлаш, офатдан зарар кўрганларга моддий ёрдам бериш кечиктириб бўлмас вазифа эканлигини уқтириб ўтди. Йўлбошчимиз бундай кўнгилсиз ҳолларни бошқа такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида,Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳудудларида ана шундай хавфли дарё ўзанларида доимий кузатув пунктларини ташкил қилиш, бу ишга етакчи мутахассисларни жалб этиш, Шоҳимардон қишлоғида бетон қоришмалари, асфальт тайёрлаш тармоқларини қайта тиклаш зарурлигини алоҳида уқтирди. Мамлакат Президенти тошқин оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этди.

Фарғона аэропортида Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз суҳбат чоғида бундай тошқиннинг олдини олиш,қурбонлар бўлишига йўл қўймаслик мумкин эканлигини алоҳида таъкидлади. Агар табиий офат ҳақидаги хабар ўз вақтида етиб келганида, бундай кўнгилсиз ҳоллар юз бермаслигини айтиб, журналистлар эътиборини Шоҳимардонда юз берган сел ва тошқинлар тарихини ўрганишга қаратди. Чунки бундай кўнгилсиз воқеалар илгари ҳам бўлган. Шоҳимардон тошқинлари тарихини ўрганиш,халққа етказишда чуқур мулоҳазалар асосида иш олиб бориш, таҳлил қилиш, тошқин ва сел оқибатларини бартараф этиш, олдини олиш ҳақида тўлақонли, ҳар томонлама пишиқ-пухта мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш, тарғиб қилиш борасида амалий ишлар зарурлигини таъкидлади. Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳудудларидаги тошқин юз бериши мумкин бўлган жойларда кузатув пунктларини ташкил этиш, бундай офатлардан халқни ўз вақтида огоҳ қилиб бориш кераклигини айтди.

Бузилган кўприкни тикласа бўлади, янги уй-жойни ҳам қуриш мумкин. Биз учун энг оғири инсоний талофатдир. Ҳалок бўлганларни қайтариб бўлмайди, деди давлатимиз раҳбари. Президентимиз дин аҳлини табиий офат туфайли ҳалок бўлганлар хотирасига жума куни фотиҳа ўқишга чақирди.

Халқимиз оғир кунларда ҳеч қачон бир-бирини ўз ҳолига ташлаб қўймайди, деди юртбошимиз. Ишонаманки, эрта-индин бутун мамлакат аҳли шоҳимардонликларга ёрдамга келади. Айниқса,ишбилармонларимиз, тадбиркорларимиз, барча савобталаб инсонлар бу ишдан четда қолмайди. Зеро, меҳр офатдан устун, деди Президентимиз. Савоб ишни эса ҳар ким қилиши керак, ҳар кун қилиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шоҳимардон қишлоғига сафари чоғида Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У.Худойқулов, Президентнинг Матбуот котиби А.Зиёев, Фарғона вилояти ҳокими Н.Мўминов ҳамроҳлик қилди.

Р.КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

Ҳамдардлик телеграммалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистоннинг Шоҳимардон туманида кучли сув тошқини натижасида кўп одамлар қурбон бўлиб, уйлар вайрон бўлгани тўғрисидаги хабар мени чуқур ташвиш ва хавотирга солди.

Сизга, ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига ҳамдардлик билдираман.

Ҳайдар АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси
Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов жаноби олийларига

Шоҳимардондаги табиий офатнинг фожиали оқибатларидан қалбим ларзага келди. Шу қийин пайтда биз ҳаммамиз, шахсан мен ва бутун Қирғизистон халқи Сизнинг, азиз дўстим ва биродарим ва қардош халқнинг қайғусига ҳамдардмиз.Менинг чин юракдан билдирган ҳамдардлигимни ҳалок бўлганларнинг оилаларига, қариндош-уруғлари ва яқинларига етказишингизни сўрайман.

Асқар АКАЕВ,
Қирғизистон Республикаси
Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Фарғона водийсида рўй берган ва кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган табиий офат тўғрисидаги фожиали хабардан ларзага келдим.Ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига менинг чуқур ҳамдардлигимни етказишингизни сўрайман.

Эдуард ШЕВАРДНАДЗЕ,
Грузия Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Фарғона водийсида одамлар ҳалок бўлишига олиб келган табиий офат муносабати билан самимий ҳамдардлигимни қабул қилгайсиз.

Барча қозоғистонликлар ва шахсан менинг номимдан жабрдийдаларнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига ҳамдардлик сўзларини етказишингизни илтимос қиламан.

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

ҚИСҚА ВАҚТ ДАВОМИДА-КАТТА ИШЛАР

1998 йил 9 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Вакилининг Комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Омбудсман С.Рашидова биринчи ярим йиллик якунлари бўйича ҳисобот берди. Шунингдек, С.Рашидова ўз маърузасида Варшавага бўлган расмий сафари натижалари ҳақида гапирар экан, Ўрта Осиёда ягона бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Вакилининг халқаро Омбудсман Институтига аъзо бўлганлиги жаҳон жамоатчилик вакиллари томонидан давлатимиз раҳбарларининг ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи қурилмасини ишлаб чиқиш борасидаги ташаббусини тан олганлигидан далолатдир деб уқтириб ўтди. Фуқароларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда Республикамиз ҳудудларида ташкил этилган Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Комиссия таркибларини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Шунинг билан биргаликда йиғилиш қатнашчилари турли йўналишлардаги эксперт хулосаларига муҳтож бўлган фуқароларнинг мурожаатлари бўйича ҳозирланган хулосаларни муҳокама этдилар, уларнинг ҳуқуқларини тиклаш борасида кўрилган ишлар билан танишдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди раиси Б.Эшонов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказнинг бошлиғи, профессор А.Саидов, Жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг директори А.Убайдуллаев, Олий суд Пленумининг котиби Аюбхон Муҳаммадиев, Республика Судьялар ассоциациясининг раиси А.Тўхташев қатнашиб, Омбудсманнинг маърузалари бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Дилором КАРИМ қизи,
«Ишонч» мухбири.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ КЎМАК БЕРДИ

Чеченистонда фавқулодда ҳолат давом этмоқда. Чечен ҳукуматининг баёнотига кўра, фавқулодда ҳолатнинг эълон қилингани Чеченистон хавфсизлик хизмати томонидан кўпгина жиноятчиларнинг қўлга олинишига сабаб бўлган. Жумладан, сўнгги икки кун ичида одам ўғрилиги билан шуғулланиб келаётган етти нафар террорчи ушланган. Умуман, Чеченистонда фавқулодда ҳолат эълон қилинганидан буён ўтган муддат ичида 250 дан зиёд жиноятчи қўлга олинган. Улардан 11 нафари ўта хавфли жиноятчилардир.

РОССИЯДА ЯНА САЙЛОВ

Россияга қарашли Чувашия Республикасида Давлат Кенгашига сайловлар бўлиб ўтмоқда. Кеча сайловнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Бироқ Давлат Кенгаши сайловларида жуда кам одам қатнашган. Сайловда Давлат Кенгаши раиси лавозими учун ўз номзодини илгари сурганлар орасида Чувашиянинг вице-президенти Лев Кураков ҳам бор.

РОССИЯ БОШ ВАЗИРИ ЯПОНИЯДА

Россия Федерацияси Бош вазири Сергей Кириенко эса бу орада Японияга ташриф буюрди. Бу Россия ҳукумати раисининг икки давлат муносабатлари тарихида Японияга қилган биринчи расмий ташрифидир.

МУАЛЛИМЛАР КЕРАК!

Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк штатида ўқитувчилар етишмаслиги шу даражага етдики, АҚШ ҳукумати хорижий давлатлардан ўқитувчилар ёллашга бел боғлади. Жумладан, Австрияда ўқитувчиларни Америкада ишлашга даъват этувчи рекламалар пайдо бўлди. Австриянинг ўзида иш топа олмай юрган ўқитувчилар кўпайиб кетган.

ФАЛАСТИН МУЗОКАРАЛАРГА ҚАРШИ

Фаластин раҳбарияти Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним томонидан илгари сурилган Исроил ҳукумати билан музокаралар бошлаш тўғрисидаги таклифни рад этди. Фаластин мухторияти раҳбарлари Тель-Авив АҚШ Президенти томонидан таклиф этилган араб ерларининг яна 13 фоизини яҳудий қўшинларидан озод этилишига рози бўлган тақдирдагина Исроил ҳукумати билан музокара олиб бориш мумкинлигини айтганлар.

КАШАНДАЛАР БИЛАН КУРАШИШ ОСОНМАС

Хитойда давом этаётган чекишга қарши кураш ишига мамлакат мансабдорлари ҳам қўшилдилар. Хитойнинг марказий қисмида жойлашган Шаньси провинцияси раҳбарлари ўз тасарруфларидаги давлат хизматчиларидан иш вақтида умуман чекмасликни талаб қилдилар. Бироқ Хитойда чекишга қарши курашиш осон кечаётгани йўқ. Ҳозир Хитой аҳолиси орасида қарийб 320 миллион кашанда бор. Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш эса Хитой давлат хазинасига жуда катта фойда келтирмоқда.

Жаҳон ахборот
агентликлари
хабарлари асосида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 14 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	58,63
1 Австрия шиллинги	7,62
1 Англия фунт стерлинги	158,38
10 Бельгия франки	25,99
1 Голландия гульдени	47,54
10 Греция драхмаси	3,22
1 Дания кронаси	14,07
1 БАА дирхами	26,36
1 АҚШ доллари	96,83
1 Миср фунти	28,46
1 Ирландия фунти	134,69
1 Исландия кронаси	1,35
100 Италия лираси	5,44
1 Канада доллари	65,49
1 Хитой юани	11,69
1 Қувайт динори	320,10
100 Ливан фунти	6,41
1 Малайзия рингити	22,75
1 Германия маркаси	53,59
1 Норвегия кронаси	12,65
1 Польша злотийси	27,89
10 Португалия эскудоси	5,24
1 Сингапур доллари	55,89
1 СДР	128,16
1000 Туркия лираси	0,36
1 Финляндия маркаси	17,65
1 Франция франки	15,99
1 Швеция кронаси	12,07
1 Швейцария франки	63,40
1 ЭКЮ	105,88
10 Жанубий Корея вони	0,74
10 Япония иенаси	6,78
1 Россия рубли	15,59
1 Украина гривнаси	46,34
1000 Беларусь рубли	2,49
1 Латвия лати	161,11
1 Литва лити	24,21
1 Молдава лейи	20,39
1 Қирғизистон соми	5,01

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАРИДА

Республика Кўчмас мулк биржасида бўлиб ўтган кимошди савдосида 5113 та иншоотлар янги мулкдорлар қўлига ўтди. Уларнинг қиймати эса - 883813 минг сўмни ташкил этди. Шу жумладан 37 та ер участкаси, 43 та автотранспорт воситалари, 5 та савдо бўлимлари ва 3 та қурилиши тугалланмаган иншоотлар сотилди.

Самарқанд бўлимида 20 та, Тошкент шаҳар бўлимида-17 та, Бухоро бўлимида-14 та битимлар имзоланди. Умуман савдолар қониқарли ўтмоқда.

****

«Тошкент» республика қимматли қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 33 та ҳиссадор жамиятлар қатнашди. Улар ўзларининг 105,1 мингта акцияларини сотишиб-59,5 миллион сўмлик маблағга эга бўлдилар, шу жараёнда энг юқори самарадорликка Наманган вилояти, «Нафосат» ҳиссадорлик жамияти эришди. Бу жамият ҳам 18,2 миллион сўмлик акцияларини сотилишига эришди. 43 та брокерлик идоралари яхши фаолият кўрсатдилар. Йил бошидан 1474,3 мингта акциялар сотилди.

Чилла суви - тилла суви. Буни яхши англаган Музработ тумани «Қўнғирот» жамоа хўжалиги сувчилари ғўзага оби ҳаёт тарашни уюшқоқлик билан олиб боришаяпти. 3-бригада сувчилари Иброҳим Соатов (суратда чапдан ўнгга) ва Жўра Бобоёровлар ғўзани қондириб суғоришда ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Нурмамат
АЛМУРОДОВ
олган сурат.

Журналист муаммо қўяди

ЙИРТИҚ, ПУЛ - ПУЛ ЭМАСМИ?

Яқинда, аниқроғи, 7 июль куни кечки пайт ишдан қайтишимизда пойтахтимиз кўчаларида қатновчи 8-трамвайнинг 2703-вагонида қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Чипта сотаётган кондуктор аёл билан йўловчи аёл ўртасида бирданига баҳс қизиб кетди. Уларнинг зардали гап-сўзлари беихтиёр бошқа йўловчиларнинг ҳам эътиборини торта бошлади. Маълум бўлишича, йўловчи аёл чипта учун узатган иккита ўн сўмликдан биттаси йиртиқ бўлиб, кондуктор уни олишдан бош тортаётган экан.

- Йиртиқ пулларни касса биздан қабул қилиб олмайди, мен зарар кўраман,-деди кондуктор.

- Эрталаб трамвайда ишга келаётганимда чиптага узатган пулимнинг қайтимига худди мана шу ўн сўмликлар берилган эди. Менга ўтказасизларда, ўзинглар қабул қилмайсизларми?- дерди йўловчи аёл алам билан.

Хуллас, баҳс тортишув анчагача чўзилиб кетди. Мунозарага бошқалар ҳам аралаша бошлашди. Биров: «йиртиқ бўлса ҳам пул-ку, қабул қилиб олиш керак, банкка топширилгач, у ерда муомаладан чиқариши лозим», деса яна биров: «бунақа ногирон» пуллардан жуда кўплари ўртада сарсон бўлиб юрибди, ҳар бири тортишув-баҳсларга сабаб бўлиб, одамлар асабини бузмоқда»,-деди. Кондуктор билан йўловчилар ўртасидаги можаро шовқин-суронини эшитиб, трамвай ҳайдовчиси ҳам келиб баҳсга аралашди. Табиийки, у ўз кондукторининг ёнини олди. У ҳам: «касса биздан бунақа пулларни қабул қилиб олмайди», дейишдан бошқа жўяли гапни айта олмади. Асаблар бадтар таранглашди. Йўловчилар кондуктордан исм-шарифини сўрашди. У айтишдан бош тортди. Маълумки, ҳозир кондукторлар учун бўйинга тақиб юрадиган нишон жорий қилинган бўлиб, унда кондукторнинг сурати билан исми-шарифи акс эттирилган. Лекин бу аёлда кондукторлик нишони ҳам йўқ эди. Сўрасак, ўғирлатиб қўйдим, деди. Хуллас, баҳс-тортишув шу билан тугадики, кондуктор йиртиқ пулни қабул қилмади, йўловчи эса чипта сотиб олмай манзилига етиб олди.

Менинг бу воқеани батафсил ёритишимнинг сабаблари бор. Йиртиқ пул билан боғлиқ баҳс-тортишувлар гоҳ дўконларда, гоҳ маиший хизмат муассасаларида, гоҳ транспорт воситаларида дам-бадам учраб туради. Яқинда ўзим ҳам бундай воқеани бошимдан ўтказгандим: олма шарбати ичиш учун узатган пулим йиртиқ экан, сотувчи олишдан бош тортди. Мен эътироз билдирдим: пулни мен йиртганим йўқ, майда пул кўп ишлатилади, кўп ишлатавериб, шу ҳолга келган, менга ҳам бошқаларнинг қўлидан ўтган, -дедим ярим ҳазил, ярим жиддий оҳангда. Сўзим таъсир қилмади, йиртиқ пулни қайтиб олишга мажбур бўлдим. Чунки бу ерда сотувчи ҳукмрон-ҳукмдор эди.

Тошкентнинг Акмал Икромов тумани «Тақачи» гузаридаги «Темирхон» хусусий дўконига иш билан киргандим, икки ёш йигит дўкондорлар нон харид қилгани келган 10-11 ёшлар чамасидаги болакайнинг беш сўмлик пулларини қабул қилмасдан қайтариб беришаётган экан. Бола бечора нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Чунки уйга нон керак, нон кутишаяпти. Мен йиғламоқдан бери бўлиб эзилиб турган болани ҳимоя қилиб: «Ахир пулларни бу бола ёки ота-онаси йиртган эмас-ку, буларга ҳам кимлардир ўтказган-да. Пулларнинг белгилари, банк рақамлари аниқ кўриниб турибди-ку», девдим, сотувчилардан бири эътироз билдирди: «Амаки, биздан туман банки олмаяпти бундай пулларни. Тўғрироғи, оладию, лекин кейин йиртиқ пулларни чегириб ташлаб, бизнинг заримизга камомад ёзилаяпти». Сўнгра ўз фикрини исботлаш учун бир неча йиртиқ пулларни намойишкорона кўрсатди: «Мана, қайтарилган пуллар! Марказий банкка олиб бориб топширинглар, деб талаб қилишаяпти туман банкидагилар. Марказий банкка топширишнинг ўзи бўлмайди: кириш ҳам қийин, оворагарчилиги ҳам кўп». Мен ҳам бўш келмай анча гапирдим, лекин таъсири бўлмади. Бола бечора уйига мўлжалидан анча оз нон олиб кетди.

Энди мен ҳикоя қилган, йиртиқ пул билан боғлиқ уч воқеа ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрсак.

Маълумки, ҳозир анчагина йиртиқ пуллар одамлар қўлида муомалада юрибди, уларнинг айримлари букилавериб-букилавериб, ўртасидан йиртилиб кетган бўлса, айримлари эса ҳилвираб, қўлда зўрға туради. Ҳатто банклар меҳнаткашларга маош учун ажратаётган пул дасталари орасидан ҳам баъзан худди шундай пуллар чиқиб қолади.

Ишончимиз комилки, йиртиқ пуллар борасидаги бундай тортишув-баҳслар, асаббузарликлар нафақат Тошкентда, мамлакатларимизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам юз бермоқда. Пул ҳамма вақт ҳам қадрли ва азиз бўлган. Ҳозирги бозор иқтисодиёти қийинчиликлари шароитида эса унинг қадри янада ошиб кетди. Шундай экан, йиртиқ пулларни ҳеч ким ўз оилавий бюджети зарари ҳисобига муомаладан чиқариб ташлашни, яъни бутунлай йиртиб улоқтириб ташлашни хоҳламайди.

Мен ушбу мақолани ёзар эканман, меҳнат қилиб топган ўз пулини кондукторга ўтказа олмаган аёл, чанқаб турганимда «йиртиқ экан, бунга шарбат сотмайман» деб пулимни қайтариб берган қайсар сотувчи доим кўз ўнгимда турди. Бу воқеалар замирида одамларга бепарволик, уларнинг меҳнатда топган пулларига беписандлик ётибди. Бунинг устига бундай баҳс-тортишувлар юқорида зикр этилган воқеалар билан тугагани, муаммо ҳал қилингани йўқ-да. Ким ҳақ, деган саволга аниқ жавоб бўлиши керак.

Ўйлаймизки, бу масалага тегишли ташкилотлар, биринчи галда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ойдинлик киритиши лозим.

Абдураим ОТАМЕТОВ.

Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг иккинчи ярми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

Мустақиллик ва миллий қадриятларимиз

1. ФИДОЙИЛАР

«Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди».

Ислом Каримовнинг (XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобидан.

Юртбошимиз асарларидан келтирилган кўчирма биз мулоҳаза юритмоқчи бўлган мавзуимизнинг туб негизи-ю, асосий йўналишини белгилаб беради.

Тўғри, юртимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган йилларда тарихимиз, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни тиклаш борасида озмунча ишлар қилинмади ва бу ҳамон узлуксиз давом эттирилаётгани кўз олдимизда рўй бераётган, ортиқча исбот талаб қилмайдиган ҳаётий ҳақиқатдир. Ал Фарғоний, Ал Термизий, Ал Бухорий ва буюк бобомиз Амир Темур таваллудларининг нишонланаётгани, уларнинг то истиқлолгача қабрга кўмилгандай яшириб келинган маънавий хазиналари - бизга қолдириб кетган оламшумул, беқиёс қимматбаҳо асарларининг бирин-кетин нашр этиб халқимизга етказилаётгани ҳақида ахборот воситалари ҳар куни маълумот бериб турибди. Модомики, юқорида таъкидланганидек, маънавий меросни чуқур ўрганмай туриб тараққиётга эришиб бўлмас экан, бугун ва эртанги ривожланишга ундан таянч нуқтаси сифатида фойдаланилмас экан, келажак тараққиёти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бу гап илгарилари ҳам кўп марта айтилган. Лекин бу ҳақда амалий хулосалар ясаш бугунги кунга тўғри келди.

Миллий қадриятларимиз, маънавий мерос деганда талай маъноларни англаш мумкин ва шулардан бири, бизга қолса энг муҳими-шубҳасиз, Ўзбек Адабиёти бўлиб чиқади. Зеро, ҳар бир халқ адабиёти дастлаб ўз миллий тарихи, миллий анъаналари, миллий маданияти ва миллий маънавиятини ифодалаш билан қимматлидир. Миллийлик ҳар бир халқ адабиётининг энг қимматли фазилатлари эканлигини буюк даҳолар муттасил укдириб келганлар. Агар биз шу нуқтаи назардан XX аср ўзбек адабиёти тарихига ёндошадиган бўлсак, XIX аср бошларида яшаб ижод қилган шоир, адиб, олимларимиз, кўплаб зиёлиларимизнинг бутун ҳаёти-ю, фаолиятлари асос эътибори билан, аввало Миллий Мустақилликка нақадар ёниб интилишга қаратилганлигини кўрамиз...

Кейинги йилларда XX аср ўзбек адабиёти тарихига оид бир қатор ишлар қилинди. Китоблар, мақолалар ёзилди, диссертациялар ҳимоя қилинди, бу жараён ҳамон давом этмоқдаки, буларнинг ҳаммаси маънавий дунёмизда ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда ва бу бизга буюк истиқлолимиз ато этган энг юксак неъмат деб аталса ҳам муболаға бўлмайди... Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратларнинг таваллудларига юз ва юз ўн йил тўлганлигини катта тантаналар билан нишонлангани, асарларининг нашр этилаётгани, улар ҳақида кўплаб олимларнинг янгидан-янги мақолалари эълон қилиниб турилганлиги-ҳаммаси бизга яна ўша буюк Истиқлол ато этган-неъматларнинг XX аср адабий меросини ўрганиш бобидаги самараси бўлиб чиқади... Ана энди шу ўринда бир савол туғилади: модомики XX аср ўзбек адабиёти ҳақида шунча ишлар қилинган экан, яна бу мавзуга махсус тўхташга ҳожат борми? Ҳамма гап шундаки, ҳожат тўлиб ётибди. Маънавий мероснинг энг буюк қиммати ҳам шулки, унга йилларгина эмас, асрлар оша барча авлод вакиллари қанча кўп мурожаат қилсалар, уларнинг янгидан-янги қирраларини шунча кўп очишга муваффақ бўладилар... Бинобарин, миллий қадриятлар, маънавий меросларга ҳар бир авлод даври дунёқараши нуқтаи назаридан ёндошади, кун тартибига чиқаётган муаммоларини ҳал этишда улардан ижодий фойдаланади... Бугина эмас, агар миллий маънавият ўзининг тор миллий қобиғидан нарини кўрмаса, унда айрим умуминсоний фазилатлар мужассамланган бўлмаса, бундай мерос узоққа боролмайди. Миллий қадриятларнинг ўз миллати, халқи манфаатлари билан бирга умуминсоний тараққиётга ҳисса қўшгани билан қиммати ошади... Агар биз жаҳон адабиёти тарихига шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, Шекспир, Алишер Навоий, Пушкин сингари даҳоларнинг барча асарларида аввало ўз миллий фазилатлари, хусусиятлари ва шу билан бирга жуда кўп умуминсоний фикр-мулоҳазалар кўплиги учун бутун жаҳон халқлари қалбида ардоқланиб келмоқдалар... XX аср бошларида яшаб ижод қилган Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Элбек, Ғози Юнус ва уларнинг сафдошлари меросини қанча ўргансангиз, моҳиятига чуқурроқ кириб борасиз, янгидан-янги қирраларини кашф этасиз... Бу буюк аждодларимиз аввало чор Россиясининг мустамлакаси бўлмиш Туркистонда даврнинг барча даҳшатларини кўрдилар, ундан кейин қизиллар босқини гирдобида-ҳукмрон мафкура даҳшатлари остида ижод қилдилар. Даҳоларнинг айрим ўткинчилардан фарқлари ҳам шулки, улар яшаган даврлардан узоқлашган сари маънавий мерослари қадриятлари баҳоси оша боради. Агар шундай бўлмаса юқорида номлари санаб ўтилган Шекспир, Навоий, Толстой ва уларнинг ҳамфикр сафдошлари асарлари беш-олти юз йиллардан буён ўрганилармиди?! Ал Фарғоний, Бухорий сингари аждодларимизнинг маънавий хазиналари минг йиллаб ўрганилармиди? Агар шу нуқтаи назардан қаралса, бизнинг XX аср бошларида яшаб ижод этган шоир, ёзувчи, олимларимиз ҳаёти ва ижодий маҳсулотларини тўғри ўрганиш, уларнинг тарихдаги ўрнини холис баҳолаш ҳақида гап кетганда - фақат шу олти йилдан хиёл ортиқроқ, яъни республикамиз мустақилликка эришган кунлардан буёнгина бемалол ўрганила бошланди холос. Тўғри, улар ҳақида ўзлари яшаган, ижод қилган ва ундан кейинги етмиш йиллардан ортиқ қизиллар ҳукмронлиги йилларида ҳам мақолалар ёзилган, ижодлари ўрганилган. Бироқ, у кезларда бу буюк зотларнинг бутун олийжаноб хизматлари ерга урилган, камситилган, таҳқир этилган... Лоақал бир оғиз илиқ сўз эшитиш-ўз меҳнатларига андак ҳурмат деган нарсани кўриш уларга насиб этмаган. Бу ҳам етмагандай уларнинг ҳаммалари турли баҳоналар билан қатлиомга тортилиб, қириб ташланган... Минг афсус!.. **Ўз халқи, миллати эл-юртини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ривожлантириб жаҳондаги энг олдинги мамлакатлар қаторига етказиб олиш ва шу билан энг ривожланган давлатлар билан бемалол тенг ҳуқуқли асосларда иқтисодий, сиёсий муносабатларни ўрнатиш, бинобарин мустақил давлат сифатида Туркистонни юксалтириш - XX аср бошларида адабиёт майдонига кирган буюкларимизнинг олий мақсадлари эди.** Гарчи кейинги олти йиллардан ортиқ давр ичида улар ҳақида анча-мунча ишлар эълон қилингани билан ҳали улар қолдириб кетган бой маънавий меросни ўрганиш ниҳоясига етган деб бўлмайди, очилмаган қирралари кўп... Ахир булар орасида шундай асарлар яратганлари борки, бутун жаҳон тан олган-юзлаб йиллардан буён ўрганиб келинаётган ва ҳамон охирига етилмаган маънавий мерослар билан тенглашадиганлари бор. Нега бошқаларни асрлар оша муттасил ўрганилар экан-ку, бизларнинг маънавий меросларимизни ўрганиш 6-7 йилларда тугар экан?..

Агар XX аср бошларида ижодий майдонга кирган ёзувчиларимиз даври тарихий вазиятлари билан ундан олдинги ёзувчилар даврини қиёслайдиган бўлсак, бизнинг даҳоларимиз энг даҳшатли шароитларда яшаб ижод қилдилар деса бўлади. Негаки, биз номларини тилга олган бошқа миллат вакилларининг биронтаси ҳар қанча зиддиятларга дуч келгани билан ҳукмрон давлат уларни қамагани, отиб ўлдиргани йўқ-ку! Бизнинг буюкларимиз ўзларига бутунлай тенг бўлмаган кучларга қарши боришда жасорат кўрсатдилар, олий мақсадларидан заррача кечганлари йўқ, иймон-эътиқодларига зид иш қилганлари йўқ. Бугина эмас, улар майдонга биринчи қадам қўйганларидаёқ мустамлакачи босқинчиларга қарши курашдан ўз фаолиятларини бошладилар. XX аср бошларида чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик зулми жуда авжига чиққан, ерли аҳолининг барча ҳуқуқлари поймол этилган, ўлкадаги барча амалларга босқинчиларнинг вакиллари ўтқазиб қўйилган ва улар истаганча зўравонлик қилишга ҳақли эдилар... Ана шундай бир тарихий вазиятда халқнинг буюк сиймолари бундай адолатсизликларга чидаб туролмасди, иложи борича рақибларга қарши иш олиб борар, ўз халқи онгида уларга қарши нафрат туйғуларини уйғотишга, душманга қарши бош кўтариб, ўз инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга даъват этарди. Яъни, халқнинг маънавий оламини юксалтирмай туриб, онгини оширмай туриб, ҳозирги ибора билан айтганда-ўзлигини танитмай туриб бу даҳшатлардан қутилиш мумкин эмаслигини чуқур идрок этардилар, барча ҳаракатларини шунга қаратган эдилар... Уларнинг бизга қолдирган бой маънавий меросида етакчилик қиладиган энг қимматли нуқта ҳам айни шундадир. Мана бу жиҳатлар ҳали етарли ўрганилгани йўқ. Истиқлолнинг етти йиллиги олдидан буларни изоҳлаш, ёшлар онгида миллий маънавиятимизга нисбатан эътиқодни кучайтиришга кўмак беради... Шу ўринда ҳурматли юртбошимизнинг асарларида буюк сиймоларимиз бошларидан кечирган даҳшатларни чуқур изоҳлаб берган бир фикрларини келтириш жоиз бўлиб қолди: «Узоқ вақт давом этган қаттиқ тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди...»

Ана энди бир нуқтага алоҳида эътиборингизни тортиш мумкин деб ўйлаймиз: ишимизнинг бошида номлари тилга олинган зотлар мероси неча-неча юз, ҳатто минг йиллаб ўрганилиб келинмоқда ва ҳамон бу жараён тўхтовсиз давом этар, давом этаргина эмас, жуда катта махсус тайёргарликлар қилиниб, ҳатто жаҳон миқёсида улар шаънига анжуманлар, тантаналар ўтказилар экан-да, XX аср бошларида майдонга чиқиб, озодлик, демократия, миллий мустақиллик йўлида курашиб, бутун бор-йўқларини ижодий фаолиятлари-ю, шахсий тақдирларини Истиқлолга, миллий мустақилликка бахшида этган аждодларимиз маънавий мерослари асрлар давомида ўрганилса арзимайдими? Арзиганда қандай?! Зеро улар ижодида бугунги кунларда ҳаёт тақозоси билан ўртага қўйилаётган муаммолар, уларнинг тўғри ечими ўртасида қанчадан-қанча муштараклик борлиги билан муттасил қизиқтиради ва бу жараён ҳам тўхтовсиз давом этади... Биргина мисол «Ўтган кунлар» билан «Меҳробдан чаён»нинг эълон қилинганига салкам бир аср бўлаяпти. Кузатиб юрганлар билади, ўша яратилган 1922 йиллардан ҳозиргача озмунча шоир, адиб, олим, китобхон булар ҳақида фикр айтдими?! Агар шу икки романнинг ўзи ҳақида айтилган, ёзилганларнинг тўла рўйхатигина тўпланса-да, томлаб китобга тенг келади. Бироқ ҳали ҳам тинимсиз ёзилиб, айтилиб келинаётгани маълум. Қизиғи шундаки, айтилган, ёзилганлар орасида ҳамфикрлилар ҳам, зиддиятлилари ҳам кўп. То Истиқлолгача ёзилганлар орасида-ку бир-бирига бутунлай қарама-қаршилари тўлиб кетган... Бошқа замондошлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар аҳволи ҳам шундай... Хўш, Қодирий ва унинг сафдошлари ижоди, умуман XX аср ўзбек адабиёти меросини ўрганиш борасидаги бу қадар чигал, чалкаш, гоҳо ғаразгўйлик билан атайлаб зиддиятлар келтириб чиқараётган адабиётшуносларнинг ишларидаги мушкилотларни талабалар, ўрта мактаб ўқувчилари, ёш адабиёт ҳавасмандлари бемалол ажратиб оладилар деб ким айта олади? Ахир бир неча йиллардан буён адабий ҳаётда «аралашиб» юрганлар ичида ҳамон асарлар моҳиятини гоҳ саёз, гоҳ чалкаш, гоҳ батамом тескари шарҳлаб келаётганлар борлиги - бу бизга ўша қизил империя давридан қолган мафкуранинг энг ярамас сарқитлари бўлса керак дердик бизга қолса...

Демак, бугун бошланаётган ишнинг туб мақсади ҳам айни шу нуқтадан келиб чиқади, **маънавий меросимизни холис ўрганишга озгина тўғри ҳисса қўшсак, муродимизга етган бўлардик...**

Бундай мулоҳазаларимизга далиллар тўлиб ётибди, кузатиб юрганларга аён бўлса ҳам, айримларини эслатиб ўтамиз. XX аср ўзбек адабиёти деганда дастлаб унинг умумий йўналишини белгилайдиган оқим сифатида Жадидчилик ҳаракати тилга олинади... Камина бу ҳақда дастлаб 1983 йилда нашр этилган «Адабий мерос ва замонавийлик» китобида Фитрат, Беҳбудий, Ғози Юнус каби бир қатор ёзувчилар ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида, ундан кейин 1988 йилда Чўлпон ҳақида дастлаб «Совет Ўзбекистони» (88 й. 2.IX.) газетасида, яна ўша йили «Гулистон» журналининг 10-сонидаги Беҳбудий ҳақидаги, 1989 йилда эса, «Ёш ленинчи» газетасида бир саҳифа - «Чўлпон шеърияти» ҳақида, ундан кейин «Совет Ўзбекистони» бир саҳифалик «Беҳбудий, Фитрат, жадидчилик, миллий озодлик ва демократия учун кураш масалалари ҳақида» сарлавҳали мақолада, яна «Гулистон», «Санъат» журналларида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги Фитрат ва унинг «Бедил асари» ҳақидаги мақолаларда, 1991 йилда нашр этилган «Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат» деган китобча ҳамда 1994 йилда нашр этилган «Маҳмудхўжа Беҳбудий» номли китобча, ундан кейинги ахборот воситаларида эълон қилиниб келаётган мақолаларимизда муайян фикр-мулоҳазаларимизни билдириб келамиз. Бироқ, бизга кейинчалик қўшилганлар орасида гоҳ жадидчиликни баҳолашда, гоҳ қизиллар томонидан қатл этилган ёзувчилар фаолиятлари ҳақида, гоҳо уларнинг айрим фикр-мулоҳазаларининг турли даврларда, турли муносабатлар ёки зиддиятлар ичида йўл-йўлакай айтган бир оғиз гапларидан хато-ю нуқсонлар «топиб» ҳамон уларнинг арвоҳлари бўйнига тоқилаънат ортаётганлар бор. Афсуски, бундайлар бизга «кўр» бўлаётган ёшлар орасида эмас, «ёшини яшаб, ошини ошаб», «лаббайчилик» билан «иш» кўрсатиб унвон-у, мукофотларни олиб бўлганлар орасидан чиқаётгани жуда ачинарли...Бу борада ёш адабиётшунослардан етишиб чиқаётган - Шуҳрат Ризаев, Рустам Шарипов каби холис, ҳалол ва истеъдодли олимларнинг кўплаб эълон қилинаётган мақолалари, тадқиқотлари эътиборга лойиқдир. Бу номлари тилга олинган ҳар икки ёш адабиётшунос олим - айни Истиқлол ғояларидан олган илҳомлари билан иш кўраётганлари туфайли бўлса керак, «гуруҳбозлик», «тарафкашлик», «маҳаллийчилик» сингари энг беъмани нуқсонлардан тамоман озод бир ҳолда ижод қилмоқдаларки, кўз тегмасин...

Бу борадаги чалкашликлардан яна бири Беҳбудийнинг қатл этилиши, унга Бухоро амири Олимхоннинг алоқаси устида камина бу ҳақда 1972 йилда кутубхоналардан топган архив ҳужжатларни 1988 йилда «Гулистон» журналида эълон қилдим. Шундан буёнги хилма-хил гапларнинг биронтасида бизга қўшимча бирор ҳужжат ёки далил келтирилмайди-да, Беҳбудийни фалончи эмас, писмадончи ўлдирган, бу гапда жон бор қабилида таг-туги кўринмаётган гаплар айтилиб келади. Бу ҳақда тажрибали журналист ва адабиётшунос Бурхон Зиёев «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (1998 йил 5 июн, N 23/3459/ сонида/ «Беҳбудийнинг қотили ким?» деб таҳририятга мурожаат қилгани жуда яхши бўлди. Биз бу саволга ўша, 1988 йилда берган жавобимизда турамиз, агар унга қўшадиган маълумотлари билан чиқадиганлар бўлса, фақат табриклаймиз, хатоларимиз бўлса тан оламиз...

Яна бир масала: биров жадидчилик ҳақида - «улар диний илмларни чеклаб қўйиб, мактабларга аниқ фанларни киритди» деса, яна биров Абдулла Қодирийларнинг камчиликларини ҳам бемалол айтавериш керак, ахир у ҳам Маркс, Ленинни устозим деган-ку, яна «Фитрат асарларини баҳолашда гуруҳбозлик қилмасдан борини айтавериш керак» қабилида фикрни эълон қилиб, тириклигида бир оғиз илиқ гап эшитмай ишлай-ишлай қатл этилган буюкларимизнинг ёқасидан олишга уринаётган, қизил империя ва унинг сўнгги «десантчилари» юртимизни титкилаётганда қатл этилган ва қатл этилаётганлар ҳақида лом-лим демай, ёв қочгандан кейин «ботирлик қилаётган», Фитратнинг «Абулфайзхон» асарига 1983 йилда берилган баҳони такрорлаш билан ёш-ялангни чалғитаётган «шунослар»га нима дейсиз?» Агар бундай гапларнинг рўйхатини келтирадиган бўлсак, ўзи бир китоб бўлиб қолади... Модомики аҳвол шундай экан, ҳали XX аср ўзбек адабиётидай катта бир маънавий хазинага кўплаб ёшларнинг мурожаат қилишлари ҳам муқаррар ва ҳар сафар улардан янги-янги қирралар очилаверади...

Яна бир ғалати «иш» — бу ҳам ҳар вазиятда ёмғирдан сўнг потиллаб бош кўтарадиган қўзиқорин сингари «лаббайчилар»дан... Собиқ Иттифоқ тагига зил кетиб қулаш арафаларида сўнгги нафас олаётган «десантчилар» босқинчилик қилаётганда улар этагига маҳкам ёпишиб ўзбек халқининг энг буюк сиймолари шаънига тош отиб - сира уялмай-нетмай уларга хизмат кўрсатган бир рус тиличилик билан умрини ўтказаётган кимса, «эртасига» - яъни Мустақиллик эълон қилиниб, ёвлар кетгандан кейин илгариги партиячиларга қарши бош кўтариб қолди. Бу ҳам етмагандай умрида ўзбек адабиётига заррача яқинлашмаган одам бирданига «элбекшунос» бўлиб қолди. Телеэкранда чиқиб нима деяётганини на ўзи, на биров англагани йўқ. Буни бир ҳаваскор ёш адабиётчи эмас, яна айтамиз, умрида ўзбек адабиёти билан бир нафас ҳам шуғулланмаган,аммо фан соҳасида мавжуд бўлган ҳамма унвонлар-у, даражаларини аллақачон олиб бўлган одам томонидан содир этилмоқда... Афсуски, қизил империя даврида энг пок ва буюк сиймоларни қоралаб кўрсатиш, уларнинг ҳар бир иймон-эътиқод билан қилган ва қилаётган ишларини қоралаб, уларга қарши курашнинг орқасида кун кўриш ва имтиёзларга эришишдай пасткашликни касб қилиб олганлар кўп эди, улар ҳозир ҳам бор аммо бир амаллаб «истиқлолчи» бўлиб олишган... Фитрат ибораси билан айтадиган бўлсак, «уларда иймон йўқ...»

Юқоридаги мулоҳазаларнинг ўзиёқ XX аср бошлари ва 20-30-40-йиллар ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда нақадар муаммолар кўплигини кўрсатиб турибди... Бу ҳақда ҳали талай тадқиқотлар олиб бориш, ёшларимизга аср бошидаги маънавий хазинамиз, миллий тарихимиз, анъаналаримиз ҳақида тўғри маълумот бериш шу куннинг адабиётимиз соҳасидаги энг муҳим вазифаси бўлиб турибди. Ёшларимиз, ўқувчиларимиз, айниқса адабиётга ихлос қўйиб келаётган ҳаваскор олимларимиз ўз авлод-аждодларидан қолган бой маънавий, маърифий хазина ҳақида тўғри тушунчаларга эга бўлмоқлари зарур... Уларни чуқур ўрганиш билан тўғри хулосалар чиқаришлари муҳим... Зеро ҳар қандай илмда ҳам заррача чалкашлик - катта хатоларга сабабчи бўлиши мумкин. Негаки, хатонинг катта-кичиги бўлмайди. Бу борада, яъни ўз миллий меросимизга ҳурмат билан қараш эътиқодининг биринчи шарти бўлмоғи, бошқа- ҳаммаси шундан кейин қўйилмоғи лозим.

Аҳмад АЛИЕВ.

Мустақилликдан сўнг мамлакатимиз иқтисодиётининг бутунлай янгича тараққиёт йўлига ўтганлиги банк-молия тизими ходимларининг билим даражасини замон талабига ва халқаро андозаларга мослаштириш заруратини юзага келтирди. Банк-молия академиясининг ташкил этилиши эса республикамизда иқтисодий таълим тизимини ривожлантириш жараёнидаги мана шу муҳим босқични бошлаб берди.

Банк-молия академиясининг илмий-техник базаси ниҳоятда бой. У жаҳоннинг 20 мингдан ортиқ энг нодир нашрларини ўзида жамлаган кутубхонага, замонавий ўқув залига, синхрон таржима тизими билан жиҳозланган конференц-зал ва илмий кенгашлар залига, тингловчиларнинг мустақил ишлашлари учун махсус лингофон ва компьютер хоналарига эга. Шунингдек, машғулот пайтида ҳар бир аудиторияда замонавий телеахборот алоқалари тизими ҳамда видео ва аудио аппаратлари, график тасвирларни катталаштириб кўрсатувчи компьютер тизимидан кенг фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Суратда: академия тингловчилари машғулот пайтида.

Муҳаммад АМИН (Ўза) олган сурат.

Касаба уюшма ҳаёти: болалар ёзи соз ўтсин

ОРОМГОҲЛАР ОРОМБАХШ БЎЛСА...

«Оила йили»да ҳар бир оилани ижтимоий ҳимоя этиш, ёш авлодни соғломлаштириш, ёзги мавсумда мазмунли дам олишларини таъминлаш, уларни дори-дармонли таомлар билан овқатлантириш, ёз нознеъматлари - мева-чевалардан ҳар доим баҳраманд бўлишларига эришиш ана шу муҳим ишларга бевосита дахлдор бўлган масъул кишилар ва мутасадди ташкилотлар зиммасига катта масъулият юклайди. Шунга эришилиши зарурки, оромгоҳда мириқиб ҳордиқ чиқарган ҳар бир бола янги куч-қувватга тўлган ҳолда соғлом ва баркамол бўлиб ўз ота-онаси бағрига, қадрдон мактаби кучоғига қайтадиган бўлсин. Бу - биз, касаба уюшмалари ходимларининг оилаларга кўрсатган амалий ёрдамимиз бўлади.

Агар ўғил-қиз мактаб ҳузуридаги оромгоҳда дам олса, овқатланиши бир кунда 135 сўмга, шаҳар ташқарисидаги оромгоҳда 185 - 215 сўмга тўғри келади. Йўлланманинг нархи мактаблар ҳузуридаги оромгоҳларда 2835 сўм бўлса, ота-оналар фақат 160 сўмгина тўлайдилар холос. Шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларимизда йўлланма нархи 4900-6400 сўмгача бўлса, ота-оналар асосан бу йўлланмаларни 10 фоиз нархини тўлайдилар. Жамоа хўжаликлари ва баъзи корхоналар раҳбарлари ўз меҳнаткашларининг фарзандлари учун йўлланмаларни бепул беришди. Бу йўлланмаларнинг 50 фоиз баҳоси касаба уюшмаларининг давлат ижтимоий суғуртаси, 20 фоизи - касаба уюшма бюджети, қолгани эса корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан бўлиб, биринчи мавсумида 30 миллион сўмни ташкил этди.

Маблағ танқислиги даврида болаларни сифатли ва хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавот билан таъминлаш мақсадида бир мунча ишлар қилинди. Ҳар йилги тажрибаларга асосланган ҳолда Бухоро шаҳар ошхоналар тресети ва «Бухорогўштсутсавдо» ҳиссадорлик жамияти, Давлат таъминот фирмаси умуман устама нарх қўймасдан ёки энг кам 5 - 10 фоиз устама нархлар қўйиб оромгоҳларни озиқ-овқатлар билан таъминлаш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида болаларнинг таом хиллари бойиди.

Биринчи мавсумда 93 та мактаб ҳузуридаги оромгоҳларимизда 6900 га яқин, 20 та шаҳар ташқарисидаги оромгоҳда 4000 га яқин бола дам олмоқда.

Ўтган ёзги мавсум давомида энг яхши оромгоҳ деб тан олинган «Ёш тўқимачи» оромгоҳини бу йил ҳам тайёрлаб таъмирдан чиқаришда «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти раҳбариятининг бу муҳим ишга масъулият билан ёндошганлиги ушбу корхонада ҳар бир меҳнаткаш ва унинг оиласи ҳимояда эканлигини кўрсатиб турибди.

«Нефтгазтаъмир» ҳиссадорлик жамиятининг «Мовий гулхан», Пешкў, Бухоро, Қоракўл, Ғиждувон туман ҳокимликлари ва касаба уюшмаларининг ташкилий ишлари самарали бўлди.

«Мовий гулхан» оромгоҳи, вилоятда энг биринчи бўлиб ёш дам олувчиларга ўз бағрини очди.

Ғиждувон тумани ҳудудида жойлашган санаторий мақомидаги «Коинот» оромгоҳи деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари вилоят касаба уюшма қўмитасига тегишлидир.Бу ерда намунали ҳордиқ чиқариш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Шофиркон тумани ҳудудидаги 350 нафар бола дам оладиган «Мингчинор» оромгоҳи ҳам баҳаво гўшага жойлашган. Ёз мавсумида деҳқону-миришкор, жамоа хўжаликлари меҳнаткашларининг 1100 нафари бу оромгоҳда бепул дам олар экан, шу туман аҳлининг келажаги бўлмиш ёшлар бундан хурсанд бўлади.

Вобкент туманида жойлашган 4 та оромгоҳнинг бири «Ёш механизатор» бўлиб, у «Агромашсервис» туманлараро Бухоро таъминотчи ҳиссадорлик жамияти тасарруфига ўтгач, оромгоҳда бу йил жуда яхши тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Ана шу тумандаги «Йўлдош» оромгоҳи бу йил «Ғиждувонсавдо» матлубот жамияти тасарруфига ўтказилгач, биринчи мавсумда мазкур оромгоҳ 160 нафар болани қабул қилди.

Ромитан туманида автотранспорт ва йўл хўжалиги касаба уюшмаларининг «Ёш автомобилчи» оромгоҳи жойлашган. Бу оромгоҳ санаторий мақомидаги болаларни даволовчи сўлим гўшалардан биридир, 3 ой давомида ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарияти ва касаба уюшмаси вилоят кенгашининг саъй-ҳаракатлари зое кетмади.

Жамоа хўжаликлараро «Дўстлик» оромгоҳи баҳаво жойга кўчирилиб, 120 нафар болани ҳар мавсумда соғломлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Вилоят «Соғлом авлод учун» жамғармаси 10 та оромгоҳга 3 минг сўмдан дори-дармонлар тўпламини тарқатди. Вилоят «Наврўз» жамғармаси эса кам таъминланган оилаларга бепул йўлланмалар берди.

Вилоятимизда табиатнинг сўлим гўшалари, оқаётган сой, чайқалиб турган дарахтзор, гиламсифат қилиб экилган гулзорлар, ёшларимизни ўз бағрига чорлаётган фавворалар бағридаги инсон қўли билан яратилган ажойиб боғларимиз борки, болаларимиз ана шундай оромбахш жойларда ҳордиқ чиқарсалар, гўзаллик оламидан баҳраманд бўлиб, ўз юрти, тупроғи, Ватани учун фидойи, содиқ ўғлону қизлар бўлиб етишса деган ниятдамиз. Оромгоҳларимиз оромбахш бўлса, фарзандларимиз қувончи чексиз бўлаверади.

Ш.ИХТИЁРОВА,
Бухоро вилояти ёзги дам олиш комиссияси раисининг муовини,
вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари.

ҲУҚУҚИЙ САҲИФА

Суд ҳукмидан сўнг...

ҚОНУН ҲАҚ ЙЎЛНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Қанча уринманг, масала битта жойда кўндаланг туриб қолади. Ҳақ-ҳуқуқингизни, қолаверса, Қонун ва иш жойларимизда белгиланган Низом қоидаларини яхши ўзлаштирмаслигимиз, тўғриси билмаслигимиз оқибатида жуда кўп оворагарчиликлар келиб чиқади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа қаҳрамони Тоштемиров ҳам Тошкент шаҳридаги 1-нонвойхонада оддий ўт ёқувчи бўлиб ишлайди. Унинг айби, ўз ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ қоидаларни билмаслигида. Лекин уни шу айби учун...

Қонун-қоидаларни яхши била туриб, «қонун ҳимоячилари» бўла туриб Тоштемировга ўхшаган оддий оми кишиларни қўрқитиб, таъмагирлик билан пул ундириш, ўзларини қонун қалқонлари қилиб кўрсатиб, аслида унга қарши иш кўрувчи шахсларга нисбатан ҳуқуқ ҳимоячилари адолатли ҳукм чиқарди. Ноинсоф кимсалар ҳар қандай соҳада ҳам учраб тургани каби «қонун ҳимоячи»лари орасида ҳам кам бўлса-да учраб туради. Жамиятимизни бундай кимсалардан тозалаш, уларни тўғри йўлга бошлаш ўзимизнинг қўлимизда. Бу ўринда Бабиченкодан ўрнак олса арзийди. Келинг, яхшиси бир бошидан бошлайлик...

Тоштемиров Сирғали бекати ёнида жойлашган 1-нонвойхонада ўт ёқувчи вазифасида ишлайди. Иш вақти тугагач тонгги 5.30ларда секин уйига қараб йўл олди. Нонвойхонадан узоқлашмасданоқ милиция формасидаги ўзини Тошкент шаҳар Жанубий Сирғали Тармоқ Ички ишлар бўлимида тезкор вакил вазифасида ишловчи Баҳодир Ҳусанов деб таништирган шахс уни тўхтатиб сумкасини кўрсатишни буюрди. Ҳусанов Тоштемировни худди жиноят устида ушлаб олгандек дўқ уриб қўрқитиб гапирарди.

- Хўш, сўмкангни кўрсатчи, нонларни ўғирлаб келаяпсанми?

Тўғриси, Ҳусановнинг муомалаларидан Тоштемировнинг «капалаги учиб кетди». Ўзини анча йўқотиб қўйди. Ҳолбуки, бу корхона Низомига кўра ишчи ҳар куни 2 буханка нон олиб кетиш ҳуқуқига эга эди. Сал нарироқда уларни четдан кузатиб турган Баҳодир Ҳусанов шериги милиция кичик сержанти Р. Хайруллин фурсатдан фойдаланиш мумкин эканлигини тушуниб етди ва тезда уларнинг олдига келиб суҳбатга аралашди.

- Қани паспортингни кўрсат,-деди у.

Тоштемировнинг ёнида паспорти йўқлиги туфайли уни уйига бориб олиб келади ва нонвойхона олдида ўтирган милиция ходимларига топширади. Хайруллин Тоштемировнинг паспортини текшираркан унинг рўйхатдан ўтган жойи билан, яшаш жойи тўғри келмаслигини рўкач қилиб, яна қўрқитиш йўлига ўтди.

Икки ўртоқ ва ниҳоят кирдикорларининг амалга ошиши учун, энди мақсадга ўтса ҳам бўлади деган фикрга боришди. «Қонун ҳимоячилари» уни тегишли жойга олиб бориб, ундан нонни ўғирлаб кетаётганлиги ҳақида тушунтириш хати ҳам ёздириб олишди.

- Ушбу «Тушунтириш хати» орқали сенинг ишингни судга оширсак, 20 минг сўм жарима солишади ёки қамаб қўйишади.-дея Хайруллин унга яхшилаб тушунтириб қўйди. Бироқ, Ҳусанов сал «инсофлироқ» чиқиб, агар уйидан 6 минг сўм олиб келса бу ишларни бости-бости қилиб юборишини айтди.

Қўрқувдан ўзини йўқотиб қўйган Тоштемиров пул олиб келишини айтиб тезда уйига қараб чопади. Келиб бор гапни хотинига тушунтириб, кейин отасидан ушбу пулларни олиш учун уникига қараб йўл олади. Ахир ойликдан ойликкача зўрба-зўр кун кечираётган ишчининг уйида ортиқча пул қаёқдан бўлсин. Шундай бўлса ҳам милиционерларнинг дўқ-пўписаларидан қўрқиб кетган Тоштемиров қарзга бўлса ҳам шу пулларни топиб бериб бу машмашалардан қутилиб қўя қолай деган ниятда эди.

Эри қайнотасиникига йўл олгач, унинг хотини ҳам, қўшниси Бабиченконикига чиқиб ундан қарзга пул сўрайди. У бу пуллар нимага керак бўлиб қолганлигини суриштиравергач, бор гапни унга ҳам айтиб беради. Қўни-қўшнилардан 2 минг сўм йиғиб Бабиченко билан ўша «қонун ҳимоячилари»нинг олдига қараб йўл олади. Ҳар қалай улар ҳам одам-ку, тушунишар. Икки буханка нонни деб, бир бегуноҳ одамни судга топшириб юбораверадими?!...

Улар Хайруллиндан 2 минг сўмга кўниб қўйишларини сўраб турганларида Тоштемиров ҳам отасиникидан қайтиб келиб қолади. Ниҳоят милиционерларни 3 минг сўмга кўндиришади. Хайруллин Тоштемировга қараб «майли бир бутилка арок билан икки пачка сигарет обкелгин-да жўнайвер»-дейди. Бу гапларни эшитиб Бабиченконинг жаҳли чиқиб кетади: - Инсофларинг йўқ экан, икки буханка нон учун 3 минг сўм олиб яна арок билан сигарет ҳам сўрайсанларми? Қараб турингла, раҳбарларингга айтиб таъзирларингни бердирмасамми сенларнинг!

Ҳақиқатдан ҳам Бабиченкога бу адолатсизлик қаттиқ таъсир қилиб кетади ва уларнинг бўлимига телефон қилиб, ходимларининг жиноят содир қилганлигини, бир бегуноҳ одамга туҳмат қилиб, уни қўрқитиб пулини олишганлигини хабар қилади.

«Қилмиш-қидирмиш» ўз жиноятларини яшириш учун улар Тоштемировнинг устидан қалбаки ҳужжат тузиб, уни 3000 сўмга штраф қилганликларини кўрсатиб, Яккасарой туман жамғарма банкига Тоштемировнинг номидан 3000 сўм пул тўлашади. Бабиченконинг уйига арок билан сигаретнинг пулини ҳам бериб қўйишини сўраб, бир нотаниш аёлни ҳам жўнатишади. Бироқ, кеч бўлганди...

Қонун ҳамма учун баробар, уни бузишга йўл қўйган кимсаларни эса, у ҳеч қачон кечирмайди, айниқса Қонун ҳимоячилари бўла туриб ўз манфаатлари йўлида унинг муқаддас қоидаларини оёқ ости қилган шахсларга нисбатан, Тошкент шаҳар суди томонидан одилона жазо тайинланди. Чунки қонун-қоидалар аввало барча инсонлар манфаатини кўзловчи муқаддас нарса эканлигини қонун ҳимоячилари бошқаларга нисбатан чуқурроқ англамоғи лозим. Акс ҳолда жазо курсисига эртами-кечми ўтириши муқаррар.

Кўриб турганингиздек, қонун ҳимоячилари орасида ҳам шундай кимсалар учраб туради. Уларнинг тушунчасида эса, қонун фақат бизга хизмат қилади, деган фикр пайдо бўлади. Аслида қонун-қоидалар ҳақ йўлни ҳимоя қилади. Қанчалик қонунни яхши билсак, у шунчалик бизга хизмат қилади. Унинг бузилишига йўл қўймаслик эса, фақат ўзимизга боғлиқ.

Илҳом ҚОБИЛОВ,
Тошкент шаҳар суди раисининг жиноий ишлар бўйича ўринбосари,
Дилором КАРИМ қизи,
«Ишонч» мухбири.

Биздан сўрабсиз...

Саволларга ҳуқуқшунос А.Муродов жавоб беради.

- Биз бир гуруҳ талабалар олий ўқув юртида сиртдан ўқиш билан бирга давлат муассасаларидан бирида доимий тарзда меҳнат қиламиз. Имтиҳонлар сессияси учун бериладиган таътиллар ва имтиёзлар биз учун қандай белгиланади?

С.ҚУРБОНОВА, Д.МАТЖОНОВА,
Хоразм вилояти

- Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси 255-моддасига биноан, Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётганларга иш вақти бўйича имтиёзлар қуйидагича белгиланган: Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимлар диплом лойиҳасини (ишини) бажариш ёки битирув имтиҳонларини топшириш ёки битирув имтиҳонларини топширишдан олдинги ўн ўқув ойи давомида машғулотларга тайёргарлик кўриш учун олти кунлик иш ҳафтаси бўлганда ҳафтада бир кун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиладилар. Иш ҳафтаси беш кунлик бўлса, ишдан озод этиладиган кунлар миқдори иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради. Ишдан озод этиладиган соатлар миқдори эса сақланиб қолинади.

* * *

Аёлларга йиллик таътилларни бериш навбатини белгилашда қандай имтиёзлар бор. Шулар ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Д.САФАРОВА,
Каттақўрғон шаҳри.

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 231-моддасига мувофиқ, ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллар, уларнинг ҳоҳишига кўра тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёҳуд бола парваришлаш таътилидан кейин берилади.

Шунингдек, ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар ёки ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматчиларнинг рафиқаларига йиллик таътиллар уларнинг ихтиёрларига қараб йилнинг ҳоҳлаган фаслида берилади.

* * *

- Фарзандим яқинда ногирон бўлиб қолди. Унга ногиронлик пенсияси қайси тартибда белгиланади?

С.НУРБЕКОВ,
Сирдарё вилояти.

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг Пенсия тўғрисидаги қисми 290-моддасига биноан, ногиронлик пенсияси суғурта қилинган ходимларга агар ногиронлик меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллигига чалиниши туфайли келиб чиққан бўлса, у ҳолда меҳнат фаолиятининг муддатидан қатъий назар, ногиронлик бошқа сабаблар туфайли келиб чиққанда эса-тегишли умумий меҳнат стажига эга бўлганда тайинланади. Бундай меҳнат стажининг муддати суғурта қилинган ходимнинг ногиронлик рўй берган ёшига боғлиқ бўлади.

Сиз фарзандингизнинг қай тарзда ногирон бўлиб қолганлиги ҳақида бизга маълумот бермагансиз. Тўлиқ маълумотларни тўплаб, яшаш жойингизга қарашли социал таъминот бўлимига мурожаат қилсангиз, тегишли маслаҳат ва ёрдамга эга бўласиз.

* * *

- Мен олий ўқув юрти талабасиман. Талаба оналарга белгиланган ҳомиладорлик ва туғиш даврида бериладиган таътиллар ҳақида билмоқчи эдим.

С.НЕЪМАТОВА,
Навоий вилояти.

- Меҳнат (ва унга қонунчиликда назарда тутилган қўшимча) таътилларни бериш шарти, албатта, меҳнат муносабатлари билан боғланади. Яъни, агар шахс бирон иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлмаса, меҳнат, шу жумладан қўшимча таътиллардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмасдир.

Ҳомиладорлик ва туғиш учун бериладиган давр ҳам Меҳнат Кодексининг 233-моддасига биноан «таътил» деб юритилади. Демак, аёл талаба бўлсаю ҳеч қаерда ишламаса, у таътил олиш ҳуқуқига эга эмас. Улар ўқиш жойларидан то бола 2 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда республикада ўрнатилган қонунчиликда кўрсатилган миқдорда нафақа олиш ҳуқуқига эгалар. Уларга бу нафақа ишловчи оналардан фарқли даражада бола туғилган ойнинг кейинги кунларидан бошлаб тайинланади. Ишловчи оналарга эса ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин нафақа тайинланади.

Фармон ва ижро

ШАРТНОМА ФАОЛИЯТ КАФОЛАТИДИР

Бозор иқтисодиёти шароитида барча турдаги хўжалик муносабатлари ўзаро шартномаларга асосланади. Аслида ҳам шартномавий муносабатлар фаолиятнинг ҳуқуқий кафолатидир. Афсуски, айрим жойларда шартноманинг ҳуқуқий аҳамиятига, кафолат қудратига етарли эътибор берилмаяпти. Натижада ўзаро хўжалик муносабатларида, айниқса маҳсулот топшириш ва топширилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилишда чалкашликларга йўл қўйилаяпти. Молиявий-иқтисодий соҳадаги хатолар эса, меҳнаткашларнинг ижтимоий манфаатларига таъсир қилади. Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Йўлдош СУЮНОВ билан суҳбатимиз ана шу ҳақда.

- Даврнинг ўзи шартномавий муносабатларни ривожлантиришни ва такомиллаштиришни тақоза этаяпти. Бу борада вилоятда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

- Бундан буён шартномавий муносабатлар фаолиятнинг қонуний асоси бўлиб қолади. Аввало айтишимиз керакки, Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон тараққиётининг асосий тамойиллари қаторида қонун устиворлигини белгилагани бежиз эмас. Кейинги вақтларда ишлаб чиқилган, умумжаҳон муҳокамасидан ўтказилган ва Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган қонунлар бу борадаги муҳим қадам бўлди. Умуман, фаолиятнинг ҳуқуқий жиҳатларига, кафолатига алоҳида эътибор берилаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 апрелдаги 177-қарори шу нуқтаи назардан жуда аҳамиятлидир. Мазкур қарор асосида, масалан, вилоят адлия бошқармасида хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома мажбуриятларини бажаришини назорат қилиш бўлими ташкил этилди. Ҳокимиятлардаги ва хўжаликлардаги ҳуқуқшунос лавозимлари қайта тикланмоқда.

Бундан ташқари, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ташкил этилган ўқувларда Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон (фермер) хўжаликлари раҳбарлари иштирокида чуқур ўрганилди. Шу каби Булунғур, Нуробод, Пайариқ, Оқдарё туманларида раҳбарлар, мутасаддилар ва бошқа лавозимдор шахслар учун шу мавзуда махсус ўқувлар уюштирилди. Бундай тадбирлар натижасида вилоятда шартномага муносабат, шартнома асосида ишлаш анча яхшиланди.

- Бизнинг билишимизча, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилаётган шартномаларда белгиланган ўзаро мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаяпти. Яъни, шартнома қоғозда қолиб кетмаяптими?

- Айрим жойларда бундай ҳоллар мавжудлигини, шартномавий муносабатларга юзаки қаралаётганини тан олишимиз керак. Шу йилнинг май ойи давомида вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан бир қанча туманлардаги икки мингдан зиёд хўжалик ва корхоналарнинг шартномавий муносабатлар бўйича фаолияти ўрганилди. Бу жараёнда улар томонидан тузилган 3734 та, жумладан 2019 та контрактация шартномалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Мазкур шартномаларнинг бир қисмини тузишда адлия ходимлари бевосита қатнашишди. Кўпгина шартномаларни тузишда адлия бошқармасининг тавсияларига асосланилган. Шартномаларнинг ҳақиқатда амал қилиши даражасидан умуман қониқиш ҳосил қилиш мумкин. Аммо, сиз юқорида айтганингиздек, шартномани бажаришга лоқайдлик билан қаралаётган ҳоллар ҳам бор. Ушбу масала ўрганилганда 66 та қишлоқ хўжалик шартномаси, шу жумладан 33 та контрактация шартномалари бажарилмагани аниқланди.

- Булар бўйича қандай чора кўрилди?

- Табиийки, бундай ҳол эътиборсиз қолдирилмади. Хўжалик юритувчи субъектлар номидан 33556 минг сўмлик дебитор қарзларни ундириб бериш ҳақида хўжалик судига 17 та даъво аризаси тақдим этилди. Бундан ташқари, вилоят адлия бошқармаси аралашувидан сўнг тайёрловчи ташкилотлар хўжаликларга 29068 минг сўмлик дебитор қарзларини тўлашди. Шуни алоҳида айтиш керакки, шартномани тузиш чоғида томонлар шартноманинг қонуний бўлишига баъзида етарли эътибор беришмайди. Натижада кейинчалик турли баҳслар пайдо бўлади. Масалан, Оқдарё туманида шартномавий муносабатлар ўрганилганда 38 та шартнома нотўғрилиги аниқланиб, қайтадан қонуний тартибда тузидирилди. Ўн уч хўжаликка ички пудрат шартномаларининг намуналари тайёрлаб берилди. Бундай нуқсонлар Ургут, Қўшработ, Булунғур туманларида ҳам мавжудлиги аниқланди. Шартнома мажбуриятларини бажаришга масъулиятсиз қараган раҳбарларга тегишли чоралар қўлланилди.

- Шартномавий муносабатлар амал қилиши учун хўжалик ва корхоналар раҳбарлари масъулдир, албатта. Шу билан бирга бу борада тегишли назорат идораларининг кўмаги нимадан иборат бўлиши керак?

- Сирасини айтганда, шартномаларнинг қонунийлиги учун ҳуқуқшунослар, уларнинг бажарилиши учун раҳбарлар ва қолаверса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва сифати бўйича давлат инспекцияси ходимлари масъулдир. Аммо бу соҳада ҳам жиддий масалалар бор. Хусусан, Ургут туман қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва сифати бўйича давлат инспекцияси томонидан амалдаги қонун талабларига зид шартномалар ҳам рўйхатга олиб юборилган. Бундай лоқайдлик жавобгарликнинг сусайишига олиб келади.

Қисқаси, ўтказилган назорат текширувлари, сабоқлари асосида вилоят адлия бошқармаси раҳбарияти шартномавий муносабатларга оид ҳуқуқий билимларни янада кенгроқ тарғиб қилиш зарур, деган хулосага келди. Мунтазам уюштириладиган ўқувлар, семинар-машғулотларга ҳуқуқшуносларни, тегишли мутасадди ходимлар ва раҳбарларни кўпроқ жалб этиш мўлжалланмоқда. Бизнинг давримизда ҳуқуқий саводсизлик панд бериб қўйиши мумкин.

Суҳбатдош: Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Жамиятимизнинг барча жабҳаларида бўлганидек ҳуқуқий йўналишларда, чунончи нотариал идораларда ўзгаришлар бўлди. Бу Олий Мажлис томонидан қабул этилган Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг янги таҳрирда қабул қилинишида ҳам ўз аксини топаяпти. Эндиликда нотариал идоралар ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг Қонун устиворлигини бунёд этишга хизмат қилаяпти.

Суратда: Бўка тумани Давлат нотариуси Муҳаббат Маматова (ўнгда) иш пайтида.

Темур ҲАЙДАРОВ олган сурат.

«Ишонч» мақолалари изидан

«ҲАҚ ЖОЙИДА ҚАРОР ТОПМАГАЧ»

(21 апрел)

Даъвогар Н.Привезенцеванинг жавобгар Тошкент Аэропортига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий прогули учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги фуқаролик иши 1997 йил 10 январь куни Сергели туман судининг судьяси Т.Завьялованинг иш юритувига берилган. 1997 йил 31 январда суднинг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Даъвогар Н.Привезенцеванинг келтирган кассация шикояти ва прокурорнинг протестига асосан Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1997 йил 15 апрель кунги ажрими билан суднинг қарори бекор қилиниб, янгидан судда кўриш учун юборилган.

Фуқаролик иши судья Ш.Раҳмоновнинг иш юритувига берилган ва 1997 йил 23 июлда ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Даъвогарнинг келтирган кассация шикоятига асосан Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1997 йил 26 августдаги ажрими билан туман судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янгидан кўриш учун юборилган.

1997 йил 4 сентябрь куни фуқаролик иши судья Д.Очилованинг иш юритувига берилган. 1997 йил 20 ноябрда даъвогарни ишга тиклаб, мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ундирилган. Суднинг қарорига даъвогар томонидан шикоят келтирилмаган.

Тошкент шаҳар суди раиси томонидан шаҳар суди раёсатига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 112, 275-моддаси талаблари бузилиб, даъвогар фойдасига мажбурий прогул учун иш ҳақи тўлиқ ундирилмаганлиги ҳамда даъвонинг маънавий зарарни ундириш қисми умуман ҳал этилмаганлиги учун суднинг ҳал қилув қарорини қисман бекор қилиш ҳақида назорат тартибида протест келтирилган.

Сергели туман суди судьялари Т.Завьялова, Ш.Раҳмонов, Д.Очиловалар раислигида чиқарилган ҳал қилув қарорларининг Тошкент шаҳар суди томонидан бекор қилинишининг ўзи ушбу судьяларга нисбатан интизомий чора қўллаш учун асос бўлмайди.

Шу сабабли судьялар Т.Завьялова, Ш.Раҳмонов, Д.Очиловалар фуқаролик ишини ҳал этишда йўл қўйган хато ва камчиликлари учун огоҳлантирилдилар.

Ж.ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ҳокимияти Адлия бошқармаси бошлиғи.

ПУЧГА ЧИҚҚАН ЁВУЗ НИЯТ

ёхуд хатирчилик сергак посбонларнинг 74 ёшли момонинг ҳаётини сақлаб қолганликлари хусусида

...Тақдирга ҳеч ким қарши боролмагани каби, Ҳанифа момо ҳам ёлғиз яшашдек оғир қисматга маҳкумлигига тан бериб, тинчгина осуда яшарди. Бир куни ижарага уй сўраб ёш болали эру хотин Х. С. ва Х. З.лар эшик қоқиб кириб келишди. Улар уй-жойга муҳтожлигини, оиласи билан доим хизматини қилиб юришини ва бундан бир умр миннатдор бўлажагини баён қилиб, ялиниб-ёлворишди.

Ҳанифа момо ҳам кўп ўйлаб ўтирмай ҳам савобга қоламан, ҳам хизматимни қилиб, иссиқ-совуғимдан хабар олиб туришар деган хаёлда рози бўла қолди.

...Ойлар, ойлар кетидан йиллар ўтаверди. Эру хотин момонинг хушмуомалалиги ва олийжаноблигидан, момо эса уларнинг меҳнаткашлиги-ю меҳрибонлигидан хурсанд. Хуллас калом улар бир-бирлари билан она-боладек яқин ва сирдош бўлиб кетишди.

Орадан 5 йил ўтгач, тақдир тақозоси билан Ҳанифа момо туман маркази Янгирабод шаҳарчасидаги ўз уйини сотишга аҳд қилди. Натижада ижарачилар турар-жойидан ажралишга мажбур бўлишади. Момо эса Хатирчининг «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган бир ҳовлини сотиб олиб, кўчиб кета қолди.

Содда кампир «меҳрибон» ижарачиларни бу ҳовлисига ҳам таклиф қилади. Аммо негадир улар унашмайди...

Балки уларга ўрганиб қолган гўшаларидан ажралиб яна кўчада қолиши алам қилгандир? Балки... Бироқ шу нарса маълум эдики, момонинг уй-жойи, мол-у дунёсидан уларнинг умиди катта эди.

Эру хотин бу ҳақда жуда кўп ўйлашди, тунларни бедор ўтказиб, обдон бош қотиришди.

Ҳанифа момонинг янги ҳовлисига кўчиб бориб, умрини охиригача хизматини қилиб, уй-жойи, мол-дунёсига эгалик қилиши ҳам мумкин эди. Афсуски, бунинг учун сабр-тоқатли бўлиш, иссиқ-совуқ, яхши-ёмон кунларга чидаш керак. Қолаверса, қишлоқда иш масаласи, рўзғор тебратиш?..

Момонинг сир-у асрорларидан воқиф бўлган эру хотинларни бир нарса жуда қийнаб келарди. Момонинг тилла буюм ва тақинчоқларини ўзларича 500-600 минг сўм тахмин қилишарди. Ахир бу пулга хоҳлаган жойдан дурустгина уй сотиб олиш мумкин-да!

«Она ва бола»ларнинг айриликда кун кечира бошлаганига хаш-паш дегунча бир йил ўтиб қолди. Эру хотиннинг мол-дунё, асосан уй-жойга бўлган хо-ю ҳаваси борган сари ортиб борарди.

Кампирнинг ўз ажали билан тезроқ бу дунёни тарк этишини жуда-жуда исташарди. Лекин момонинг ҳамон тетиклиги уларнинг ғашига тегарди.

Охир-оқибат эру хотин гапни бир жойга қўйди. Имонидан бутунлай кечиб, «шайтоннинг йўли»га кириб қўя қолишди. Улар ўзларининг ёвуз нияти билан талайгина мол-дунёга тезроқ эришишга азму қарор қилишди.

Июнь ойининг бошида Ҳанифа момонинг холидан хабар олган киши бўлиб, жиноий режасини амалга ошириш мақсадида, «разведка» қилиш учун бориб келишади.

Июнь ойининг 17-кунидан 18-чига ўтар кечаси, эру хотин махсус қуролланиб (болта, пичоқ, қачов), момонинг уйига бостириб боришади. «Дунё бехабар» момо ўз хонасида «ёлғиз ухлаб ётарди». Жиноятчилар ташқари эшик зулфини пичоқ билан очиб, оҳиста ичкарига киришади ва момо ётган уй эшигини тақиллатишади.

Ҳанифа момо кутилмаган «меҳмон»лар учун эшикни очганда, не кўз билан кўрсинки, «меҳрибон болалари» она ўрнидаги онасининг азиз жонига қасд қилиш ниятида «Азроил»дан олдин келиб туришибди...

«Ҳар кимни ўлчанган ризқи, белгиланган куни бор» деганларидек момонинг ҳам ҳали умри бор экан. Йўқса нариги дунёга бир баҳя қолганди.

Хайриятки, туман ички ишлар бўлими ходимларининг ҳушёрлиги ва сергаклиги туфайли, олинган оператив маълумотларга асосан тезкор қилинган ҳаракат натижасида Ҳанифа момонинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Эру хотин босқинчилардан олдинроқ ҳаракат қилган 5 кишидан иборат тезкор гуруҳ аъзолари жиноятчиларни момонинг ётоғида биргаликда қарши олишга муваффақ бўлишди.

Шу заҳотиёқ кутилмаган қуролли «меҳмон»лар махсус «меҳмонхона»га жойлаштирилди. Айни пайтда туман ИИБ томонидан «меҳмондорчилик»ишлари, очиғи тергов ишлари олиб борилаяпти.

«Сабр қилсанг етарсан муродга, бесабр бўлсанг қоларсан уятга» деб бежиз айтмаган донолар.

Ф.РУСТАМОВ.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

СОЛИҚ КОДЕКСИ ВА ИМТИЁЗЛАР

Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ Кодекси, унда касаба уюшма ташкилотларининг роли ва фаолиятига бевосита тааллуқли бўлган муҳим масалалар, яъни маълум мақсадда белгиланган баъзи имтиёзларнинг турлари хусусида суҳбатдош бўлишга биз юрист Ф.АЛИМОВни таклиф этдик.

- Барча бўғиндаги касаба уюшма фаолларига ва ходимларига мазкур Кодексни чуқур ўрганиш ва уни меҳнаткаш халқ орасида тушунтириш тавсия этилади. Касаба уюшма ташкилотлари Кодексдаги афзалликлар ва имтиёзлардан унумли фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, юридик шахсларнинг солиқ солинадиган жами даромадидан чегирма ушлаш Кодекснинг 19-моддасида кўзда тутилган бўлиб, улар жумласига қуйидагилар киради:

- турли хил солиқ тўловлари;
- ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар;
- асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;
- мажбурий суғурта тўловлари;
- хизмат сафари харажатлари (меъёр бўйича);
- кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун харажатлар (меъёр бўйича);
- солиқ солувчи балансидаги соғлиқни сақлаш объектлари, мактабгача тарбия муассасалари ҳамда қариялар ва ногиронлар уйлари, болаларнинг дам олиш лагерлари, маданий ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, уй-жой фондини сақлашга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасдиқлаган нормативларга мувофиқ қилинадиган харажатлар суммалари, шунингдек, солиқ тўловчилар санаб ўтилган муассасаларни сақлашда улуш қўшиб қатнашиб, ана шу мақсадлар учун қилинадиган харажатларнинг суммалари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Иккинчидан, Кодекснинг 28-моддасига мувофиқ, юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларига (фойдаларига) юқори - 35 фоизли ставка бўйича солиқ солинади. (1997 йилнинг 1 январидан бошлаб фойда солиғининг ставкаси 37 фоиздан 36 фоизга туширилган эди;

Учинчидан, Кодекснинг 31 ва 32-моддаларида даромад солиғи бўйича имтиёзлар рўйхати 19 та бандда кўрсатилган бўлиб, улар жумласига юридик шахсларнинг «Уйжойжамғармабанк» билан тузилган шартномалари бўйича ўз ходимлари учун уй-жой харид қилишга ишлатиладиган даромадларга (10-банд), хорижий сармоялар ва чет эл инвестициялари иштирокида тузилган корхоналарга ҳамда ходимлари таркибида ўқувчилар ва ногиронлар улуши кўп бўлган корхоналарга нисбатан ҳам даромад солиғи тўлашдаги имтиёзлар тўланади.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича имтиёзлари қуйидагилардан иборат: Кодекснинг 54-моддасига биноан жисмоний шахс молия йили давомида ҳар бир ишлаб даромад олган ойи учун энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида чегирма қилиниш ҳуқуқига эга.

Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари олинган даромад миқдорига нисбатан 15 фоиздан то 45 фоизгача белгиланади.

- Зарарли ва оғир шароитда меҳнат қилувчи фуқароларга бу борада қандай имтиёзлар белгиланган?

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зарарли ва оғир ишлар билан банд бўлган жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари учун имтиёзли даромад солиғининг ставкаларини (1, 2, 3-рўйхатдаги касблар учун 25 фоиздан ошмаган) белгилашга ҳақли ва у ҳозирда қўлланилган. Кодекснинг 58-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадларининг 20 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, улардан энг муҳимлари ҳақида тўхталамиз.

Фуқароларнинг бир йил давомида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақининг 6 баробаригача бўлган қимматли совғалари қиймати, давлат пенсиялари ва уларга устамалар, энг кам иш ҳақининг ўн икки баробаригача миқдордаги бир йил мобайнида олган моддий ёрдам пуллари ва суғурта пуллари бунга киради. Бундан ташқари, майиб бўлиш ва соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши билан боғлиқ ҳолда зарарни қоплаш юзасидан олинадиган товон пули, табиий офатлар муносабати билан бериладиган ёрдам пуллари, болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларига, ота-оналарнинг болалари билан дам олишларига махсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар қийматини, шунингдек, амбулатория ёки стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматини тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартибида корхоналарнинг ўз ходимларига тўлаган суммалари кабилар жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди.

Суҳбатдош:
Маҳбуба ҲАЙИТОВА.

«ҚАЛЪАЛАР ЗАБТ ЭТИЛГАН КУН»

Бугун Франция Республикасининг миллий байрами — Француз Инқилоби куни

14 июль Инқилоби ҳақида французлар «Барча қалъалар забт этилган кун» дейишади. 1789 йилнинг худди шу куни француз қўзғолончилари Париждаги Бастилия қалъасини ишғол қилган эдилар. Бастилия Франция қиролларининг, умуман француз монархиясининг таянчи эди. Бу қалъанинг маҳв этилиши Францияда янги даврни бошлаб берди. Улуғ француз Инқилоби озодлик ва ҳурлик учун кураш даврига асос солди.

Ана шу инқилоб ватани Франция бугун Бастилия олинган кун шодиёнасини қилмоқда. Франция бу байрамни жаҳондаги энг тараққий этган давлатлар сафида қаршиламоқда. Франция Республикаси дунёдаги индустрияси ривожланган етти мамлакатнинг бири, халқаро ҳамжамиятда, глобал муаммолар ечимида ҳал қилувчи овозга эга бўлган давлатдир. Франция жаҳоннинг кўплаб давлатлари қатори Ўзбекистон Республикаси билан ҳам тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий ва маданий-маърифий алоқалар самарали ривожланмоқда. Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми тобора ортиб, ҳар икки томон ишбилармонлари иштирокидаги қўшма корхоналар сафи кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда Франциянинг «Буиг», «Томпсон» каби йирик компаниялари фаолият кўрсатмоқда, Ўзбекистон Марказий банки Франциянинг «Банк де Пари», «Сосьете женерал» каби банклари билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Франциянинг қурилиш компаниялари пойтахтимиз Тошкентда кўркам ва ҳашамдор иншоотлар бунёд этилишига ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, Тошкентнинг Амир Темур хиёбони яқинидаги «Буиг» компанияси томонидан қурилаётган «Дўстлик-Палас» меҳмонхонаси ўзининг бетакрор гўзаллиги ва салобати билан кишини лол қолдиради. Мазкур иншоот шу йили мамлакатимиз Мустақиллиги байрами арафасида қуриб битказилади.

Иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ва Франция фирмалари янгидан-янги қўшма шартномаларни имзоламоқдалар. Айни вақтда, илгари имзоланган келишувларда кўрсатилган вазифалар ҳар икки томоннинг масъулиятли ёндошуви туфайли муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, шу йилнинг 16 июнида Франциянинг «Эрбас» авиакомпанияси Ўзбекистонга ўзининг навбатдаги аэробусини келтирди. Бу «Эрбас»дан Ўзбекистон томонидан сотиб олинган учинчи самолётдир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, яқинда, аниқроғи 30 июнь куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Тошкент — Париж — Тошкент ҳаво йўналишини очди.

Умуман, Ўзбекистон-Франция муносабатлари тарихига назар ташласак, икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик изчил ва мунтазам ривожланиб келаётганини кўрамиз. Давлатларимиз алоқаларини мустаҳкамлашда икки томоннинг тарихни ўрганиш ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлиги катта аҳамият касб этади. Шу ўринда 1996 йилнинг апрелида Франция пойтахтида улуғ саркарда ва давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Темур ва темурийлар тарихига бағишланган халқаро анжуман ва кўргазманинг ўтказилиши ҳамда ушбу тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Франция Президенти Жак Ширакнинг иштирок этишлари икки давлат ўртасидаги ишонч ришталарини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганини айтиш лозим. Ўз даврида улуғ Темур бобомиз Франция қироллари билан хат ёзишиб, қадимий давлатларимиз дўстлигига тамал тоши қўйган эди. Бизнинг асримизга келиб ҳам Амир Темур ҳазратлари Ўзбекистон ва Франциянинг яқинлашишига сабаб бўлди. Франция заминида ўзбек халқининг улуғ аждоди муборак санаси нишонланиши ва ундан кейин қароргоҳи Парижда жойлашган ЮНЕСКО шафелиги остида Ўзбекистонда Амир Темур юбилейи тантаналари бўлиб ўтиши ҳам улуғ бобомиз васият қилганидек, давлатлар ўртасидаги дўстлик, ишонч ва самимиятнинг янада кучайишига омил бўлган эди.

ФРАНЦИЯНИНГ ҚЎШ БАЙРАМИ

Шундай қилиб, бугун Франция ўзининг миллий байрамини нишонламоқда. Биз Ўзбекистонда яшаб турган францияликларни ва улар орқали бутун француз халқини бу байрам билан, қолаверса, яна бир қалъа — футбол бўйича Жаҳон чемпионатида ҳам ғалаба байроғини тикканлиги билан табриклаймиз.

Хайрулло НУРИДДИНОВ,
шарҳловчи

Тезкор шарҳ

СПОРТ, ВАТАН, СИЁСАТ

Бутун дунёнинг диққат марказини бир нуқтага қаратишнинг энг осон йўли нима?

Ҳар ким ҳар нарса деб жавоб бериши аниқ. Лекин бу борада спорт, хусусан, унинг энг оммавий тури — футболга етадигани йўқ. Мана, якшанбадан душанбага ўтар кечаси нақд бир ярим соат Ер юзининг миллион-миллион одами мижжа қоқмай Париждаги Франция-Бразилия ўйинини томоша қилди. Бу мамлакатлар аҳолисини қўя туринг, шу кеча бутун олам ишқибозлари иккига бўлиндилар ҳисоб:

Ҳар ҳолда, футболда фавқулода ҳодиса юз берди. Тарихда биринчи марта Франция финалга чиқди ва ютди, XX асрнинг сўнгги чемпиони бўлди, тўрт марта жаҳон кубогини қўлга киритган, дунёга айнан футболи билан донг таратган Бразилияни доғда қолдирди.

Тўқсон дақиқа мобайнида фақат ўйинчилари эмас, бутун Франция майдонга тушгандек бўлди. Аввало, ўн бир футболчи гўё бир кучга, халқона айтганда, бир тану бир жонга айланди. Команда айнан ягона мақсадга интилишда якдиллик жиҳатидан, бошқача ифодаланганда, руҳий кўтаринкилик тарафидан бошдан то охир устунликни қўлдан бермади.

Бунга ундаган энг асосий омил эса Ватан ва ғурур эди. Тасаввур қилинг, бошида-ку ўн бир киши бир бутун кучдек ҳаракат қилди. Лекин кейин майдонда ўн киши қолганда ҳам бу бир бутунликка путур етмади: ўн ўйинчи ўн бир нафарлик команда дарвозасига учинчи тўпни киритди.

Шубҳасизки, ўйингоҳдаги томошабинларнинг аксарияти французлар эди. Футболчиларга ана шу минг-минг ишқибоз Ватан бўлиб, жонажон Франция бўлиб кўринмадими, улар елкасига айрича бир масъулият юклаб турмадими, дейсиз?!

Футбол-ку — жамоа бўлиб курашиладиган спорт тури. Ҳатто, якка кураш соҳалари бўйича жаҳон чемпиони бўлиш учун ҳам бугун, назаримда, «мен» деган тушунчанинг ўзи терли эмас. Бундай улуғ мақсад сари интилаётганда ўйинчи «мен» и ёнига «биз» деган тушунча ҳам келиб қўшилиши керак. «Биз» эса — Ватан! Инсонни фавқулодда ҳаракатга солиб юборадиган куч— мақсад. Бундай катта мақсад қуйиш учун «мен»нинг кучи етмай қолиши мумкин. Агар унга «биз» қўшилса, энди буни енгадиган куч топингу олинг. Ахир, голни урган — ҳужумчи, бироқ қувонганидан юзларини қўлқоп кийган қўллари билан ёпиб олиб, ҳаяжони, хурсандлигидан йиғлаб юборган дарвозабон. Бу майдондаги вазият. Шу дақиқаларда бутун Франция бир юрак бўлиб тепди, дейилса, лоф бўлмас.

Айнан ўз мамлакатида, оддий фуқаросидан тортиб президентигача бўлган ватандошлар ҳузурида тўп суриб, Ватан шарафини ҳимоя қилиш масъулияти ҳам ўйинчилар кучига куч қўшгани рост.

Хорватиянинг учинчи ўринни эгаллаши бу йилги финал ўйинларининг яна бир фавқулода ҳодисаси бўлди. Ахир, дастлаб Германия, сўнг эса Голландия устидан ғалаба қозониб, бирданига ёшгина мамлакат номи жаҳон майдонида қайта-қайта жаранглаши ҳазил гапми? Бу ютуғи билан Хорватия ўз мустақиллигини тағин бир карра мустаҳкамлаб олгандек бўлди.

Баъзилар футбол равнақини мамлакат умумтараққиёти билан бевосита боғлиқ, деб биладилар. Ҳақ гап. Аммо, мана, Хорватиядек кечагина урушдан чиққан, ҳали «яра»лари битиб улгурмаган бир мамлакат ҳам шунчалар даражага етди-ку.

Бу ҳам бор ор-номус, ғурур, Ватан ва халқ номи учун фидойилик намунаси.

Аргентина, Германия, Дания, Италия каби донги чиққан футбол мамлакатлари ҳам курашларда турли масофаларда қолиб кетди. Дунё ҳар бир давлатнинг ўз ўрни, шарафи учун кураши, рақобати ва шу асосдаги тараққиётидан иборат бўлса футбол ҳам — шунинг бир кўриниши.

Хорватия бу маданий курашга қанчалар шай эканини қойиллатиб исботлади.

Телеэкран қаршисида ўтириб, Ўзбекистонни ҳам шу катта майдонларда кўргинг келади. Ёш мустақил давлатнинг дастлабки муҳим вазифаларидан бир жаҳонга танилиб олиш бўлса, бу ҳам бугун бизга нақадар кераклигини ҳис этасан. Ахир, Ўзбекистон футболчилари Осиё ўйинлари ғолиби бўлиб қайтганларида қанчалар қувонган, нақадар умидвор бўлган эдик. Мана, Франция байрам қилиб ётибди. Бразилияда худди мотам. Биз: «Нега Ўзбекистон жаҳон биринчилиги финал ўйинларида қатнаша олмади? Шунга имконият бормиди? Бор бўлган бўлса, нега уни қўлдан қуйдик?»— деб ўйлаяпмизми?

Финал ўйинларини томоша қилаётганда футболчиларимиз кўнгилларидан: «Бизнинг булардан қаеримиз кам?» — деган туйғу кечдими? Тўрт йилдан кейин биз ҳам финал ўйинларида иштирок этамиз, деган марди майдонлар топилдими?

Ватанпарварлик ҳар қачон ва ҳар бир давлатга керак. Мард бўлсанг, марҳамат, майдонга туш!

Шуларни ўйлаб, спорт— кураш, спорт - санъат, спорт — саломатлик, лекин спорт — сиёсат ҳам, деган хулосага келдим.

Султонмурод ОЛИМ

Айтишларича, кимки ота касбини эъзозласа тилаклари, ниятлари ижобат бўлармиш. Буни қалбига жо қилган Бахмал туманидаги Новқа қишлоғилик Турсунбой ака Асқаров ота-боболари ҳунари-эгарчилик ҳунарини эъзозлаб келмоқда. Маълум бўлишича, бу сулола яқин 150 йилдан буён шу иш билан шуғулланади, рўзғорини тебратади.

Суратда: эгарчи Турсунбой АСҚАРОВ

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Олинаётган хабарларга қараганда эришилган келишувга мувофиқ Афғонистондан ўз Ватанларига қайтиб келган тожик мухолифат кучларининг аскарлари бу ерда турли хил муаммоларга дуч келмоқдалар. Мухолифат томонининг ҳарбий масалалар билан шуғулланувчи бошлиғининг муовини Ҳабиб Сангиновнинг айтишича, Ғармдаги техника билим юртига жойлаштирилган аскарлар озиқ-овқат, дори-дармон, кўрпа-тўшак етишмаслиги орқасида турли хил касалликларга дучор бўлмоқдалар. Масалан, БМТ томонидан шу вақтгача берилган қуруқ овқат истеъмол қилиш оқибатида 30 киши ошқозон касалига учраган.

***

Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳри узоқ йиллар давомида собиқ Совет Иттифоқининг ядро қуролини синайдиган майдон бўлиб келган. (Бу ерда фақат очиқ ҳавонинг ўзида юз мартадан ортиқ синов ўтказилган). Мана етти йилдирки, бу ерда синовлар тўхтаган. Бироқ, шундай бўлишига қарамай ўтказилган синовлар ҳанузгача ўзининг салбий таъсирини ўтказиб келмоқда. БМТ ҳомийлиги остида ўтказилган текшириш натижаларига кўра бу ердаги аҳоли ўртасида саратон касаллиги бошқа ерларга нисбатан кўпроқ экан. Бунинг устига оналар ўртасида ўлим ҳоллари ҳам зиёдроқ экан.

***

Туркманистон Каспий денгизидаги Ярашиқли конини ишга солиш тўғрисида Англиянинг «Монумент» ва АҚШнинг «Мобель» ширкатлари билан 100 млн. долларлик битим имзолаган. Бу шу вақтгача Туркманистон имзолаган битимларнинг энг йириги ҳисобланади. Илгари Қозоғистон ва Озарбайжон билан бундай йирик битимлар тузилган эди. Энди бу гуруҳга Туркманистон ҳам қўшилди.

Автоҳаваскорлар диққатига!

БРАЗИЛИЯГА БОРИШНИ ИСТАШАЯПТИ

1997 йилнинг ўзида Бразилияга 2700 та «Ситроен» ва 6500 та «пежо» автомобиллари олиб келтирилган эди. (бу эса чет эл автомобили бозорининг тўрт фоизини ташкил этади). Бундай рақамлар кўрсаткичи биринчи ўринда ПСА (яъни «Пежо-Ситроен-Отомобили») концерни раҳбариятини қониқтирмади ва январь ойида «Пежо-Ситроен-Груп» президенти бўлмиш Жан Мартен Фольз, Рио-де-Жанейро штатининг губернатори Марселло Нуньесом де Аленкаром билан биргаликда Риодан 160 км узоқликда жойлашган Порту-Реал шаҳрида автозавод қурилиши ҳақида шартномани имзолашди.

600 минг долларга тушаётган бу қурилиш уч йилдан сўнг якунланади, бу сумманинг тенг ярим миқдорини тўлашни Бразилиянинг иқтисодиёт ва тараққиёт миллий банки ўз зиммасига олаяпти, корхона акциясининг 32 фоизи эса штат ҳокимиятига тегишли бўлади. Бунинг ажаблаҳарли жойи йўқ, чунки бу завод 2500 та одамни ишга қабул қилади, бразилияликлар эса ҳар йили юз минглаб «пежо» ва «ситроен»ларга эга бўлишади.

АЛВИДО, «ТЎРТ ЮЗ ЎН ИККИНЧИ»

«Ишлаб чиқаришдаги ортиқча сарф-харажат ва зиёни» учун «Ижмаш» акциядорлик жамияти раҳбарияти ИЖ-412 автомашинаси ва модификациясини ишлаб чиқаришдан тўхтатилсин, деган қарор қабул қилди. Бу автомобиль узоқ муддат, яъни 30 йил давомида завод конвейерларидан ҳеч тушмаган машиналардан биридир.

«412-чи»лар 1967 йилнинг октябрь ойида пайдо бўлган эди. Унда юқори распредвал билан двигатель ва алюмин блокли цилиндрдан иборат бўлган мамлакатдаги автомобиль қурилишида янгиликлардан бири бўлганди. Шу билан бирга «Москвич-412»нинг кузов ва шоссе агрегати «408-чи»дан ва ундан олдинги моделларнинг баъзи бир элементларини ўзига мерос қилиб олган эди. Бу машинани кўп йиллар давомида АЗЛК ва «Ижмаш» заводлари, кейинчалик Ижевск шаҳрида ишлаб чиқарила бошлаган эди.

Иж-412нинг ишлаб чиқарилиши тўхтатилиши билан «Москвич»лар тарихи тугади, десак ҳам бўлади.

Бироқ, ҳеч ҳам тушкунликка тушманг, чунки «тўрт юз ўн иккинчи» ўз ўрнини ИЖ-2126 автомобилларига бўшатиб берди.

А.ХОЛОВА.

NEXIA
DAEWOO
DAMAS
TICO

UZLADA

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ВАЗ тизимининг фирмали автомарказлари «Ўзбек-Лада» акционерлик уюшмасига бирлашиб «ЎзДЭУ автоҚ» акционерлик жамятининг расмий дилерлари сифатида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Тико» ва «Дамас» автомобилларини сотишни давом эттирмоқдалар. Биз сизга шуни мамнуният билан маълум қиламизки, автомобилларнинг исталган рангдаги хилма-хил моделлари сотувда ҳамиша бор. Улар «Ўз ДЭУ авто К» акционерлик жамиятининг заводидан темир йўл транспорти орқали тўппа тўғри автомарказларга келтирилмоқда.

Сотув жараёнида юқори сифатли хизмат ва хужжатларни тезда расмийлаштирилишини кафолатлаймиз. Ташқи кўринишининг кўркамлиги ва ички қисмларининг созлигини таъминлашга қаратилган ҳамда машиналар тагини занглаш ва чиришдан асрайдиган ишловлар берилади. Сотиш олди тайёрлигини ўтказиб, кафолат ва кафолатдан кейинги хизматлар кўрсатилади.

Ҳақ тўлаш исталган турда
Бизнинг манзилларимиз:

1. Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси 44-уй,
«Ўзбек-Лада» Акционерлик бирлашмаси.
тел: 76-13-11, 76-87-99, 76-85-08
2. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, Савдо расталари
қаторидаги автосалон, тел: 144-22-98
3. Андижон шаҳри, 5-микрорайон, Амир Темур кўчаси 18. «Шахрихон-Лада» АЖ.Тел:(8-374-2) 26-95-48, 26-73-26.
4. Фарғона шаҳри, Тўқимачилар кўчаси 3 «Фарғона-Лада» АЖ. Тел:(8-373-2) 25-66-71, 25-74-92.
5. Наманган шаҳри, Айний кўчаси 88 «Наманган-Лада» АЖ. Тел: (8-369-22) 4-28-44, 4-28-08.
6. Янгиер шаҳри, 37- квартал, «Янгиер-Лада»АЖ. Тел:(8-367-3) 72-34-78, 72-27,20.
7. Жиззах шаҳри, Р.Исаев кўчаси «Санзор-Лада» АЖ.Тел:(8-372-22) 3-47-79.
8.Бухоро шаҳри, Моҳи-Хоса кўчаси 22 «Ситора-Лада» АЖ. Тел:
(8-365-22) 4-49-80, 4-56-65.
9. Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси 3.ЗАЗ автомаркази АЖ.Тел:(8-366-2) 29-17-25.
10. Қарши шаҳри, Нақшад кўчаси 99.»Қашқадарё-Лада»АЖ.
Тел: (8-375-22) 3-69-92, 3-62-92.
11. Ангор шаҳри, Ангор тумани, М.Азизов номли жамоа хўжалиги, « Сурхон-Лада» АЖ. Тел: (8-376-31)
2-26-60, 2-29-86.
12. Навоий шаҳри. Кармана,Рахимов кўчаси 6.»Навоий-Лада»
АЖ. Тел: (8-436-53) 3-42-15,2-37-14.
13. Хива шаҳри, Обводная кўчаси,1. «Аму-Лада» АЖ. Тел:
(8-362-37) 5-36-97.
14. Нукус шаҳри, Беруний кўчаси, 1. «Орол-Лада» АЖ.Тел:
(8-361-22) 3-39-00.

ИШОНЧ
Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси мухбири

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш -56-85-43.
Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01. Наманганда - 6-22-10.
Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43.
Урганчда - 6-03-40. Қаршида- 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165,
Тошкент шаҳри, «Бухоро»
(собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 23.00

Буюртма Г— 0182. Нусхаси — 15.368. Масъул навбатчи: Нодир АЛИМОВ 1 2 3 4 5 6